

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ХОДЖАЕВА НОДИРА ВАХИДОВНА

**ҲАЙЗ ОЛДИ СИНДРОМИНИНГ КЛИНИК-ЭПИДЕМИОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ ВА УНИ ПАТОГЕНЕЗ АСОСИДА ТАШХИС ҚЎЙИШ
ВА ДАВОЛАШ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ходжаева Нодира Вахидовна

Ҳайз олди синдромининг клиник-эпидемиологик жиҳатлари ва уни патогенез асосида ташхис қўйиш ва даволаш..... 3

Ходжаева Нодира Вахидовна

Клинико-эпидемиологические аспекты и патогенетическое обоснование методов диагностики и лечения предменструального синдрома 29

Khodjaeva Nodira Vahidovna

Clinical-epidemiologic aspects and pathogenetic justification of methods of diagnosis and treatment of premenstrual syndrome 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 58

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ХОДЖАЕВА НОДИРА ВАХИДОВНА

**ҲАЙЗ ОЛДИ СИНДРОМИНИНГ КЛИНИК-ЭПИДЕМИОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ ВА УНИ ПАТОГЕНЕЗ АСОСИДА ТАШХИС ҚЎЙИШ
ВА ДАВОЛАШ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib192 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик Ё.Х.Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|--|
| Илмий раҳбар: | Хайдарова Феруза Алимовна тиббиёт фанлари доктори |
| Расмий оппонентлар: | Халимова Замира Юсуповна тиббиёт фанлари доктори Аюпова Фариди Мирзаевна тиббиёт фанлари доктори, профессор |
| Етакчи ташкилот: | Тошкент врачлар малакасини ошириш институти |

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кучаси, 2 уй. Тел./факс: +99871-150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Ташкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кучаси, 2 уй. Тел.\факс:+99871-150-78-25).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Б.Х.Шагазатова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

С.И.Исмаилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда репродуктив саломатликни сақлаб қолиш муаммолари тобора долзарб бўлиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳайз олди синдроми (ҲОС) ижтимоий, шахсий, тиббий, ҳаёт сифатига таъсир этувчи ва ишга лаёқатли ёшдаги аёлларда учрайдиган, оғир климактерик бузилишларга олиб келадиган ҳолатдир. ҲОС дунё миқёсида, жумладан, кўпгина индустриал ривожланган мамлакатларда репродуктив ёшдаги аёлларнинг 3–13,2% ида учрайди. Унинг енгил кечадиган шакллари 20–80% аёлларда кузатилади.¹

Жаҳон миқёсида, репродуктив ёшдаги аёллар касалликлари, жумладан, ҳайз олди синдроми учраши, клиник жиҳатдан оғир кечиши ва беморлар ҳаёт сифатининг пасайиши долзарб тиббий муаммолардан бирига айланди. Бу жараёнда эндокрин ва асаб тизими, айниқса, вегетатив асаб тизимининг биологик фаол моддалар метаболизмидаги роли, эндоген ва экзоген хавф омиллари, шу жумладан, ирсий омиллар, эндокрин аъзолар касалликлари, ноқулай экологик омиллар ва аралаш омиллар иштироки кузатилган. Ушбу омилларнинг таъсир даражаси ва ролининг етарлича ўрганилмаганлиги ҲОС муаммосининг долзарблигини белгилайди. Шунингдек, мазкур патологияда гипоталамус-гипофиз-тухумдон ва иммун тизимидаги ўзгаришлар ҳамда вегетатив бошқарув тизимидаги бузилишларни аниқлаш касалликни эрта ташхислаш, замонавий даволаш усуллари кўллаш ва профилактика чоратadbирларини янада такомиллаштириш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадли кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилиб, бу борада аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича маълум натижаларга эришилди. Жумладан, она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди, яъни репродуктив ёшдаги аёллар тўлиқ диспансер назоратига олинди. Шунга қарамай, соғлиқни сақлаш тизимида бир қатор муаммолар мавжуд. Улар орасида репродуктив ёшдаги аёлларда учрайдиган экстрагенитал касалликларни аниқлаш, айниқса, ҲОС билан касалланган аёлларда климактерик даврининг оғир кечиши, юрак қон-томир касалликларининг ривожланишини аввалдан аниқлаш, даволаш ва олдини олиш ҳам муҳимдир. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² «оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори

¹ De Bartolomeis A., Buonaguro E., Iasevoli F. Serotonin-glutamate and serotonin-dopamine reciprocal interactions as putative molecular targets for novel antipsychotic treatments: from receptor heterodimers to postsynaptic scaffolding and effector proteins // *Psychopharmacology (Berl)*. – 2013. – Vol.225(1). – P.1-19;

Halbreich U. Women's reproductive related disorders (RRDs) // *J Affect Disord*. – 2010. – Vol.122(1-2). – P.10-13

² 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада амалга ошириш» вазифалари белгиланди. Бундан келиб чиқиб аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва репродуктив ёшдаги аёлларда учрайдиган ҲОС касаллигининг кўпайишига сабаб бўладиган омилларни камайтириш ва гипоталамус-гипофиз-тухумдон тизимидаги ўзгаришлар билан боғлиқ асоратлар олдини олиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чоралари ҳақида»ги, 2017 йил 20-июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳайз олди синдроми муаммосининг долзарблиги унинг тўғрисидаги маълумотларнинг бир-бирига зидлиги, клиник кўриниши ва хавф омилларининг хилма-хиллиги билан боғлиқдир. Бир қатор изланишларда кўрсатилганидек, вақтинчалик ишлаш қобилиятини йўқотишга олиб келадиган оғир ҲОС 3–13,2% репродуктив ёшдаги аёлларда учрайди (Аганезова Н.В., 2011; Макарова И.И., 2007; Imai A., 2015). Анча енгил кечадиган шакллари аёлларнинг 95% ида кузатилади (deBartolomeis A., 2013; Halbreich U., 2010).

ҲОСнинг тарқалганлиги ҳақидаги тадқиқотларнинг аксарият қисми Америка, Австралия ва Европа давлатларига тўғри келади. Осиё давлатларида ҲОСнинг тарқалганлигига бағишланган тадқиқотлар жуда кам бўлиб, булар студентлар, ҳамширалар ва шифохонада ётқизилган беморлар орасида ўтказилган. Бу тадқиқотларни Ғарб давлатларида ўтказилган илмий-тадқиқотлар билан солиштириб бўлмайди, чунки уларда бир тизимдаги ҳисоблар, усуллар ва мезонлар қўлланилмаган (Acikgoz A., 2017). Шуни таъкидлаш лозимки, бир қатор ғарб тадқиқотчилари ҲОСни Ғарб аёлларининг касаллиги деб ҳисоблайди. Аммо, 3 та Осиё давлатларида ўтказилган тадқиқотлар (Гонк-Конг, Покистан, Таиланд) шуни кўрсатдики, ҲОСнинг Осиё аёллари орасидаги тарқалганлиги Европа ва Лотин Америкасидаги кўрсаткичларга ўхшашдир (Ryu A., 2015; Sievert L., 2013).

ҲОСнинг турли клиник аломатлари ривожланишида, барча моддалар алмашинуви ва шунингдек, феъл-атворни бошқарувчи марказий гипоталамик структураларнинг ушбу патологик жараёндаги иштироки аниқланган. Бу

борада, ҳозирги пайтда ҲОС патогенезида нейромедиаторлар алмашинувининг издан чиқишига ва у билан боғлиқ бўлган периферик нейроэндокрин жараёнларга катта эътибор берилаяпти (Weitemier A., 2017). ҲОС билан репродуктив ёшдаги аёллар касалланади, баъзан унинг аломатлари менархе бошланиши билан бирга бошланади ва пременопауза даврида ёмонлашуви кузатилади (Белокриницкая Т.Е., 2012; Ткаченко Л.В., 2016; Cheng H., 2011; Pinar G., 2011).

Патогенетик терапия гипоталамусда намоён бўлган бузилишларга қарши даво тадбирларини ўз ичига олиши керак. Пайдо бўлган симптомлар комплекси ривожланишида турли гормонал бузилишларнинг етакчи ролини эътиборга олган ҳолда, даволашда турли гормон препаратлари қўлланилади. Бундай даводан мақсад овуляция жараёнини блоклаш ва жинсий гормонлар миқдорининг циклик ўзгаришларини бартараф этишдир (Гависова А.А., 2014).

Шунинг учун Ўзбекистон республикасида ҲОСнинг клиник-эпидемиологик, гормонал ва биокимёвий хусусиятлари, ҳамда аёлларда пайдо бўладиган психоэмоционал ҳолатларни аниқлаш муаммоси долзарб ва амалий жиҳатдан муҳимдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг «Репродуктив эндокринология» илмий йуналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳайз олди синдромининг метаболик, гормонал ва биокимёвий жиҳатлари асосида ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тошкент шаҳрида яшовчи фертил ёшидаги аёлларда ҳайз олди синдромининг учраш даражаси ва хавф омилларни аниқлаш;

ҳайз олди синдроми ривожланишидаги хавф омиллари асосида математик башоратлаш усулини ишлаб чиқиш;

касаллик жараёнида гипоталамус-гипофиз-тухумдон тизими бузилишининг прогестерон метаболитлари алмашинуви билан патогенетик боғлиқлигини аниқлаш;

прогестерон метаболитлари ва эстрадиол-прогестерон нисбатини турли даражадаги ҳайз олди синдромини ташхислаш маркери сифатида аниқлаш;

дифференцирланган даволаш ёндошуви фонида ҳайз олди синдромли фертил ёшдаги аёллар психо-эмоционал ҳолати ва ҳаёт сифатини баҳолаш;

ҳайз олди синдромини ташхислаш, даволаш ва профилактика қилиш алгоритмининг такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида менструал цикли мунтазам бўлган репродуктив ёшдаги 1976 нафар аёл олинган.

Тадқиқотнинг предмети репродуктив ёшдаги аёллар вена қони ва зардобини ҳамда сийдиги клиник, биокимё ва гормонал таҳлиллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, гормонал, биокимёвий, психологик, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳайз олди синдроми ривожланишида нисбий хавф омиллари аниқланган ва алоҳида олинган омилнинг этиологик улуши асосида башоратлаш тизими ишлаб чиқилган;

ҳайз олди синдромининг оғирлик даражасини аниқлаш ва даволаш тактикасида эстроген-прогестерон нисбатининг ўзгариши баҳоланган;

ҳайз олди синдроми ривожланиши ва оғирлигида прогестерон метаболитларининг патогенетик роли аниқланган;

ҳайз олди синдромининг стандарт ва узайтирилган гормонал даволаш тартиб шакллари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фертил ёшдаги аёлларда ҳайз олди синдромининг учраш даражаси аниқланган;

фертил ёшидаги ҳайз цикли мунтазам бўлган аёлларни текшириш алгоритми ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган;

ҳайз олди синдромининг оғирлик даражасини аниқлаш ва даволашнинг самарадорлигини башоратлаш учун ташхислаш тестлари мажмуаси ишлаб чиқилган;

ҳайз олди синдроми «юқори хавфи» бор аёллар гуруҳларини ажратишни таъминлайдиган диспансеризация тизими таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ривожланиш хавф омилларини интеграл баҳолаш асосида ҳайз олди синдромининг ташхислаш маркерлари аниқланган. ҲОСли фертил ёшдаги аёлларда эстрадиол, эстрадиол-прогестерон нисбати ва аллопрегнанолоннинг референс миқдори ҳисобланган ва улар асосида ҳайз олди синдромини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, татбиқ этилган фертил ёшидаги мунтазам ҳайзли аёлларни текшириш алгоритми касалликни ўз вақтида ташхислаш ва даволашга янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш ҳамда оғирлик даражасини аниқлашга хизмат қилади. Таклиф қилинган ташхислаш тестлари мажмуаси ҳайз олди синдромида келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни камайтириш, даволаш самарадорлигини аниқлаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳайз олди синдромини ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш борасида олинган натижалар асосида:

ҳайз олди синдромининг оғир шакллари фертил ёшдаги аёлларда эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика қилиш тадқиқотлари натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ҳайз олди синдромини ташхислаш ва даволаш усуллари оптималлаштириш» деб номланган услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 10 ноябрдаги 8н-д/49-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма фертил ёшдаги аёлларда ҳайз олди синдромини эрта босқичларида ташхислашга, кеч репродуктив ёшдаги аёлларда эса келиб чиқадиган асоратларнинг олдини олишга ҳамда патогенетик асосланган даволашни қўллашга имкон яратади;

ҳайз олди синдромини ташхислаш ва даволаш мезонларини оптималлаштириш чора-тадбирлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Республика акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббий маркази ва Самарқанд вилоят эндокринология диспансери амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 10 ноябрдаги 8н-д/49-сон маълумотномаси). Татбиқ этилган натижалар фертил ёшдаги аёлларда ҲОСни ўз вақтида ташхислаш ва даволашга янгича ёндошувларни ишлаб чиқишга имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробация натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Репродуктив ёшдаги аёлларда ҳайз олди синдромига замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Унда ҲОСнинг этиопатогенизи, ривожланиш хавф омиллари, гипоталамус-гипофиз-тухумдон тизими ва ренин-ангиотензин – альдостерон тизимининг ҲОС патогенезидаги роли таҳлил қилинган ва ҳайз олди синдроми даволашда замонавий ёндашувлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ҳайз олди синдроми аёлларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга кирган беморлар характеристикаси ва натижаларни таҳлил қилишда ишлатилган статистик усуллар келтирилган. Қўйилган мақсад ва вазифаларга қараб, тадқиқот 3 босқичда ўтказилди.

Биринчи босқичда репродуктив ёшдаги аёллар скрининги ўтказилди. Ушбу босқичнинг мақсади хавф гуруҳларини эрта аниқлаш мақсадида Тошкент шаҳрида яшовчи ҳайз цикли мунтазам кечадиган репродуктив ёшдаги аёллар орасида ҲОС тарқалганлигини ўрганишдан иборат бўлди.

Биринчи босқич дастурига киритиш учун мезонлар: менструал цикли мунтазам бўлган 18 дан 45 ёшгача бўлган репродуктив ёшдаги аёллар. Айти пайтда ЖССТ томонидан 18–49 ёш репродуктив ёш, деб белгиланган. Бироқ ҲОСни фақат ҳайз цикли мунтазам бўлгандагина ташхислаш мумкинлиги сабабли 45 ёшдан юқори бўлган аёллар тадқиқот ишига киритилмади. Чунки ушбу ёш оралиғида, адабиётларга кўра, 80–85% ҳолларда перименопауза, яъни ҳайз цикли бузилишининг клиник белгилари пайдо бўлади.

Истисно мезонлари:

1. Ҳомиладорлик.
2. Анамнезида гистероэктомия борлиги.
3. Менопауза.
4. Оғир соматик ва эндокрин касалликлар.
5. Онкологик касалликлар.
6. Танлаш вақтида орал контрацепциядан фойдаланиш.
7. Тана вазни индексининг 30 кг/м^2 дан ортиқ бўлиши.

Жами 1976 нафар фертил ёшдаги аёллар скринингдан ўтди. Аёлларга анкета тўлдиришидан олдин ўрганишнинг мақсад ва тартиби тушунтирилди.

Скринингнинг таркибий қисми сифатида ҲОС кўринишлари ва хусусиятлари ҳақида маълумот тақдим этилди.

Стандарт анкета сўров натижаларига кўра 572 нафар аёл киритиш мезонларига жавоб беради (мунтазам менструал цикли 18–45 ёшгача бўлган репродуктив ёш). Сўров таҳлили натижаларига кўра 16 та бузилган сўровнома аниқланган. Бунинг натижасида 556 нафар аёлнинг маълумотлари скрининг таҳлиliga киритилган. ҲОС белгилари 489 нафар аёлда аниқланган. ҲОС белгилари бўлмаган 67 аёл назорат гуруҳига киритилди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичнинг мақсади–ҳайз олди синдроми ривожланишига сабаб бўладиган хавф омиллари интеграциялашган баҳолашни ўтказиш, шунингдек, профилактика чора-тадбирлари, даволаш ва ҲОС билан касалланган аёлларни кузатиш тактикасини белгилаш учун юқори хавф гуруҳлари шаклланишини башоратловчи матрицани ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Скрининг давомида ҲОС аниқланган 489 нафар аёл сўровномаси тўлдирилди.

Учинчи босқич. Бу босқичда ҲОС билан касалликнинг оғирлигига қараб аёллардаги хавотир ва тушкунлик ҳолатига эътибор қаратилди, ҳаёт сифатига ҲОС таъсири ва орал контрацептивларнинг ҲОСни даволашдаги (КОК - дросперинон + этинилэстрадиол) самарадорлиги баҳоланди.

Киритиш мезонлари: ХКК -10 даги ҳайз олди кучланиш синдроми ташхиси бор аёллар (N94.3).

Истисно мезонлари: марказий асаб тизимининг органик патологияси, хомиладорлик режалаштирган аёллар, руҳий касалликлар, сўнгги 2-3 ой давомида гормонал контрацептив ишлатиш ва улардан фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолатлар.

ҲОС ташхиси Америка акушер-гинекологлар коллежи (American College of Obstetricians and Gynecologists – ACOG) (Halbreich U., 2007) мезонларига мувофиқ ва Халқаро пременструал касалликлар жамияти консенсуси асосида (ISPMD - International Society for Premenstrual Disorders) (Consensus Group, 2013; Nevatte T., 2013; O'Brien P., 2011) қўйилган.

Барча аёллар қуйидаги усуллар асосида текширувлардан ўтказилди:

Клиник-анамнестик усуллар: гинеколог, невропатолог ва психиатрлар текшириши киритилган стандарт клиник текшириш; анамнез йиғиш; антропометрик кўрсаткичлар (бўйи ва вазн, тана массаси индексини (ТВИ) ўлчаш, ва бел айланаси билан тос айланасини ўлчаш ва уларнинг индекси БА/ТА ни аниқлаш.

Гормонал ҳолат қон зардобидида эстрадиол, прогестерон, умумий тестостерон, пролактин, ТТГ, кортизол, алдостеронларни радиоиммунологик усул орқали стандарт сарум даражасини аниқлаш асосида текширилди. Иммүнотеч (Чехия) ваниэм стандарт IMMUNOTECH (Чехия) йиғмалари ёрдамида аниқланган. Контрацепция гормонлари ҳайз циклининг кунларини инобатга олган ҳолда (5–7 кун ва 20–21 кун) аниқланди. Дофамин кундалик сийдикда устун хроматографияси усули ёрдамида аниқланди.

Аллопрегнанолон даражаси (3-алфа, 5-алфа-тетрагидропрогестерон) қон зардобидида ИФА усули ёрдамида (USCN Life Science, АҚШ, тест тизими) ҳайз

циклининг лутеин ва фолликулин фазаларида ўтказилган. Ўлчаш диапазони 0,49 дан 10 нг/мл гача бўлган. Аналитик сезгирлик 0,49 нг/мл ни ташкил этди.

Интерлейкин-6 (ИЛ-6) ва ўсма некроз омили- α (TNF α) даражалари ИФА усули ёрдамида («Цитокин» тест-тизими, СПб, Россия) ҳайз циклининг фолликуляр ва лутеал босқичларида зардобда аниқланди. Аналитик сезувчанлик 5 пг/мл ни ташкли этди.

Углевод алмашинувини баҳолашда «Cypress Diagnostics» (Бельгия) фирмасининг оч қоринга капилляр қонда глюкозаоксидаза усули ёрдамида глюкозани аниқланди.

Қоннинг липид спектрини аниқлаш ферментатив колориметрик усул (Human, Германия) билан амалга оширилди. Умумий холестерин ва қон зардобда триглицеридларни стандарт ферментатив усул билан, ХС ЗЮЛП эса супернатант – бошқа синфлар липопротеинлар декстрансульфат билан преципитациясидан кейин аниқланди. ХС ЗПЛП кўрсаткичлари W.Friedwald (1972) формуласи ёрдамида ҳисоблаб чиқилган: $\text{ХС ЗПЛП} = \text{УХС} - (\text{ТГ} / 2,2 + \text{ХС ЗЮЛП})$ ммол/л.

Бачадон ва тухумдонларнинг ультратовуш текшируви. Барча аёлларнинг бачадон ва тухумдонлари 5,0 МГц частотаси билан трансвагинал ва трансабдоминал датчиклари ёрдамида «Philips HD 11 XE» аппаратида текширилган. Ҳайз аломатлари календари жадвал бўлиб, унинг абсцисс ўқи ҳайз циклининг кунлари ва ординатлар ўқи бўйлаб ҲОС энг кенг тарқалган аломатларини кўрсатади.

Стрессни идрок қилиш шкаласи (Cohen – 10 Cohen Perceived Stress Scale) ҲОС бор аёлларда стресс даражасини баҳолаш учун ишлатилган (Cohen S., 1983) Оғриқ синдромининг яққоллиги визуал-аналог шкаласи (VAS visual analog scale — VAS) (Grant S., 1999) ёрдамида аниқланган.

Беморларнинг руҳий ҳолати хавотир ва депрессия госпитал шкаласи ёрдамида аниқланди. Хавотир ва депрессия госпитал шкаласи соматик нохушлик билан боғлиқ бўлган, эмоционал дистресс даражасини аниқлаш учун мўлжалланган. [Zigmond A., 1983].

Ҳаёт сифатини (ҲС) халқаро IQOLA лойиҳасига монанд, популяцион тадқиқотлар ўтказиш учун ишлаб чиқилган анъанавий халқаро амалиётда қўлланиладиган SF-36 (Short Form Health Survey) сўровномаси ёрдамида ўрганилди. SF-36 сўровномаси 8 гуруҳга бўлинган 36 саволдан иборат.

Учинчи босқичда ҲОСнинг комплекс даволаш самарадорлигини баҳолаш ўтказилган.

Киритиш мезонларига мос келадиган 146 нафар аёл (129 нафар ҲОС ва 17 нафар ҲОДБ кузатилган аёллар) клиник, лаборатория ва инструментал усуллар ёрдамида батафсил текширилган. Бундан ташқари, гинеколог томонидан текшириш (сут безларининг ҳолати ва гинекологик статус), невропатолог томонидан текширув (мавжуд органик асаб тизимининг органик касалликларини истисно қилиш учун) ўтказилди, беморларнинг руҳий ҳолати психолог ва психиатр томонидан баҳоланди.

Даволаш ва профилактика чора-тадбирлари комплексига қуйидагилар киритилган:

турмуш тарзини тузатиш, парҳез, мунтазам жисмоний машқлар, жисмоний даволаш, массаж;

мастодинон 30 томчидан кунига 2 маҳал ёки бир таблеткадан кунига 2 марта 6 цикл мобайнида масталгия ва мастодниаси бор аёлларда;

магний цитрат витамин В₆ билан комплекс равишда 1 таблеткадан кунига 3 марта 3 цикл мобайнида;

этилестрадиол 20 мкг ва 3 мг дроспиренон таркибига олган комбинацияланган препарат 24/4 режимда (24 фаол моддага эга бўлган таблетка ва 4 кун – плацебо). Терапия давомийлиги 12 циклдан иборат (тахминан 12 ой);

ҲОДБ билан оғриган аёлларга селектив серотонинни қайта юклаш ингибиторларини қўллаш.

Олинган маълумотлар Statistica 6,0 (StatSoft, USA) дастурий иловалар пакети ёрдамида қайта ишланган. Шанслар алоқадорлиги (ША) ва 95% ишончли интервалларни (95% ИИ) логистик регрессия қўллаш ёрдамида ҳисоблаб чиқилган. Фарқлар аҳамияти нопараметрик χ^2 мезон тести (Пирсон тест) ёрдамида ҳисобланган. Миқдорий кўрсаткичлар нормал тақсимланишда $M \pm SD$ кўринишда келтирилган, нормалдан фарқ қилинадиган ҳолда эса маълумотлар медиана (Me) кўринишда ҳамда 25 ва 75 перцентил (IQR) сифатида тақдим этилди. Параметрларнинг ўзаро боғлиқлиги таҳлили Спирмен нопараметрик таҳлил усули ёрдамида амалга оширилди. Корреляцион боғ корреляция коэффиценти 0,5 гача бўлганда – кучсиз, коэффицент 0,5–0,7 – мўътадил, 0,7–0,9 – кучли, деб белгиланган. Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар статистик аҳамиятли деб $p < 0,05$ бўлганда ҳисобланган.

Интеграл хавф таъсири омилларини ҲОС ривожланишида баҳолаш учун Шиганнинг интенсив кўрсаткичларни меъёрлаш методикаси (ИКМ) (Шиган Е.Н., 1986) қўлланилган. Бу усул Байеснинг эҳтимоли усулига асосланган. Факторларнинг аҳамияти ва уларнинг градацияси нисбий риск (relative risk – RR) қўллаш йули билан амалга оширилди, бунда ИКМ факторнинг «вазнига» ва этиологик улушларга (etiological fraction – EF) кўпайтирилади (Р.О. Денисов, 2006).

Диссертациянинг **«ҲОСнинг репродуктив ёшдаги аёлларда ривожланиш хавфини интеграл баҳолаш ва клиник-лаборатор таҳлил»** деб номланган учинчи бобида ўтказилган тадқиқотларнинг эпидемиологик, биокимёвий ва гормонал натижалари ёритилган.

Дастлаб ҲОС тарқалганлигини ўрганилди ва туғруқ ёшидаги мунтазам хайзли аёлларда унинг ривожланиши учун энг муҳим хавф омиллари аниқланди.

Тадқиқот доирасида 1976 нафар туғруқ ёшидаги аёл сўровнома тўлдиришган (мунтазам менструал циклли 18–45 ёшгача бўлган репродуктив ёшдаги). Киритиш мезонларига асосланган ҳолда 572 сўровнома киритилган, 16 эса бузилган деб топилган. Кейинги 556 нафар аёлнинг 87,9% ($n=489$)ининг (ўрта ёши $27,6 \pm 0,24$ йил, 95% ИИ 27,1–28,1) гинекологик ва

умумсоматик маълумотлари ҲОС белгилари борлигини кўрсатди. ҲОС белгилари бўлмаган 67 нафар аёл назорат гуруҳига киритилди.

Касалликнинг энгил шакли (21 баллгача белгилардан бирининг энгил кўринишда мавжудлиги ўртача $15,8 \pm 0,14$ балл; 95% СИ 15,5-16,1) сўров пайтида аёлларнинг 400 нафари (81,8%) да топилган. Клиник жиҳатдан яққол ҲОС (21–51 балл – ўртача $36,5 \pm 1,05$ балл; 95% СИ 34,5-38,6) 65 нафар (13,3%) аёлда аниқланган. ҲОСнинг оғир шакли (52 балл ёки ундан кўп – ўртача $60,4 \pm 1,09$ балл; 95% СИ 58,3-62,6) 24 сўровдаги аёлларда (4,9%) топилди.

Беморлар ёш гуруҳлари бўйича таҳлили шуни кўрсатдики, 67 нафар (13,7%) аёл «20 ёшгача бўлганлар» гуруҳига киради, 276 нафари (56,4%) «21–30 ёшдагилар» гуруҳига ва 146 нафари (29,8%) «30 дан катта» гуруҳга киради.

ҲОС кузатилган беморларнинг ярмидан кўпи (276 нафар (56,4%)) 21–30 ёш, 146 нафари (29,8%) 30 ёшдан катта. Аммо оғирлик даражасига қараб кўрилса, ҲОСнинг энгил шакли сезиларли даражада кўпроқ 21–30 ёш гуруҳида учрайди ($61,5\%$ vs $38,5\%$ ОР 1,60; 95%ДИ 1,20-2,12; $P < 0,0001$). ҲОСнинг ўрта оғирликдаги даражаси 21 ёшдан катталарда ($92,3\%$ vs $7,7\%$ ОР 12,0; 95%ДИ 3,30-43,6; $P < 0,0001$) кузатилди. ҲОСнинг оғир шаклига келсак, аксарияти 30 ёшдан катта аёлларда учради ($70,8\%$ vs $29,2\%$ ОР 5,90; 95%ДИ 1,70-20,5; $P = 0,009$). Шундай қилиб, ёш билан ҲОС оғирлик даражасининг ўсиши кузатилади.

Менархенинг ёши, ҳайз цикли давомийлиги ва ҳайз кунлари сонининг ҲОС оғирлиги назорат гуруҳи билан солиштирилганда сезиларли фарқ топилмади.

Барча аёлларнинг мунтазам ҳайз цикли давомийлиги 26–32 кунга ($28,0 \pm 0,10$ кун ўртача) тенг бўлган. Ҳайз бошланишининг ўртача ёши $12,6 \pm 0,06$ ёш, ҳайз цикли давомийлиги эса $28,0 \pm 0,10$ кунга тенг бўлди; ҳайз кунларининг ўртача сони $4,84 \pm 0,06$ бўлган. Анамнезда ҳомиладорликларнинг ўртача сони $2,65 \pm 0,07$ га, абортлар сони эса $1,28 \pm 0,05$ га тенг бўлган.

ҲОС дебют ёши ўртача $18,0 \pm 0,19$ (95% СИ 17,6-18,3)ни, синдром давомийлиги $9,74 \pm 0,20$ (95% СИ 9,36-10,1)ни ташкил қилган.

ҲОС ташхисли аёлларда сезиларли даражада кўпроқ ($56,9\%$ vs $11,9\%$ назорат гуруҳида ША 4,76; 95% ИИ 2,23-10,2; $P < 0,0001$) инфекция индекси топилган (йилига 5 ёки ундан кўп юқумли касалликлар).

Экстрагенитал касалликлар батафсил таҳлили шуни кўрсатдики, ҲОС билан оғриган беморлар назорат гуруҳидаги аёлларга нисбатан болаликда деярли 2 баробаргача кўп қизилча, свинка, қизамиқ каби инфекцион касалликларга чалинган ($31,1\%$ vs $16,4\%$ ША 2,30; 95% ИИ 1,17-4,51; $P = 0,02$).

Асосий гуруҳдаги беморларда бодом безлари сурункали касаллиги таққослаш гуруҳидаги аёлларга нисбатан 3 марта кўп учраши аниқланди ($37,4\%$ vs $11,9\%$ ША 4,41; 95% ИИ 2,06-9,44; $P < 0,0001$). ҲОС билан оғриган аёлларнинг 26,8% ида сийдик-ажратиш тизими касалликлари бўлган, назорат

гуруҳидаги аёлларда эса сезиларли кам бўлган (11,9% ОШ 2,70; 95%ДИ 1,26-5,80; P=0,01).

Шуниси эътиборлики, аппендектомия (26,8% vs 10,4% ША 3,14; 95% ИИ 1,40-7,04; P=0,006) ва тонзиллектомияни (16,8% vs 4,5% ША 4,30; 95% ИИ 1,32-14,0; P=0,01) назорат гуруҳига нисбатан ҲОС билан оғриган аёллар кўпроқ ўтказган.

Субъектив белгиларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, енгил ҲОС билан оғриган аёллар сезиларли даражада кўпроқ (ША 2,92; 95%ИИ 1,99-4,28; P<0,0001) жисмоний аломатлар борлиги ҳақида шикоят қиладилар (2-жадвал).

Соматик белгилардан энг кўп учраб турадиганлари: масталгия (71,0%), бош оғриғи (64,5%), қорин шиши (57,9%), шишлар (44,9%) кузатилади. Касалликнинг ўртача кечишида жисмоний (27,7%) ва психоэмоционал(20,0%; P = 0,41) белгилар тахминан бир хил бўлади. Ўрта кечадиган ҲОСда асабийлашиш (ША 1,93; 95% ИИ 1,07-3,45; P=0,04), паришонхотирлик (ША 2,98; 95% ИИ 1,24-7,17; P=0,02), чарчоқ (ША 2,64; 95% ИИ 1,48-4,70; P=0,04) кўпроқ учрайди.

Оғир ҲОС билан оғриган аёлларда сезиларли даражада тез-тез ҳиссий ва рухий аломатлар намоён бўлади (ША 5,0; 95%ИИ 1,45-17,3; P=0,02). Шу билан бирга психо-эмоционал компонент бу гуруҳдаги аёлларда енгил ва ўрта касал аёллардагига нисбатан кўпроқ аниқланган.

Соғлиқ ҳолати категория сифатида, жисмоний, ақлий ва ижтимоий фаровонликни характерловчи факторлар комплекси билан характерланади: ижтимоий-иқтисодий ҳолат, иш ва яшаш шароити, атроф-муҳит ва бошқалар. Адабиётлардан маълум бўлишича, ҲОС ривожланишида ижтимоий-демографик факторлар, ўқимишлилик даражаси, оилавий аҳвол, иш билан таъминланганлик, жинсий қониқиш каби омиллар катта аҳамиятга эга.

Текширилган аёллар ўртасида ўтаказилган таҳлил шуни кўрсатдики, ҲОС билан оғриган аёллар ўртасида олий маълумотлилар сони сезиларли даражада кам (29,2% – ША 0,17; 95% ИИ 0,13-0,23; P<0,0001). Кўпчилик (56,9%) беморлар ўрта ва ўрта-махсус маълумотга эга эди.

Агарда ўқимишлилик омилини ҲОСнинг оғирлик даражасига боғлиқ равишда кўрилса, унда шу нарса маълум бўлдики, енгил шакли билан оғриган аёллар (58,5% – ША 1,99; 95%ИИ 1,50-2,63; P<0,0001) ва ўрта-оғир шакли билан оғриган аёллар (63,1% – ША 2,92; 95%ИИ 1,43-2,63; P<0,0001), шубҳасиз, кўпроқ ўрта-махсус маълумотга эга бўлганлар. ҲОСнинг оғир шакли кўпроқ олий ва тугалланмаган олий маълумотга эга бўлганлар (83,3% – ША 25,0; 95% ИИ 5,48-114,1; P<0,0001) орасида кузатилди.

Иш фаолияти таҳлили шуни кўрсатдики, умумий когортада ишлайдиган аёлларнинг миқдори аҳамиятли кўп (65,6% vs 34,4% ША 3,65; 95% ИИ 2,80-4,75; P<0,0001). Тўла иш куни билан банд аёллар 43,1% ни, қисман банд аёллар эса 22,5% ни ташкил қилди.

Аёлларнинг иш билан бандлик даражасини ҲОС шаклига боғлиқ равишда кўрганда маълум бўлдики, касалликнинг енгил шакли ташхиси кўйилган аёллар (48%) ўрта-оғир (23,1% ША 3,08; 95%ИИ 1,67-5,66;

$P=0,0003$) ва оғир шаклидаги (16,7% ША 4,62; 95%ИИ 1,55-13,8; $P=0,005$) аёлларга нисбатан, шубҳасиз, кўпроқ тўла иш кунида банд бўлган.

Иш табиатига қараб 217 нафар (44,3%) аёл жисмоний меҳнат билан, 194 нафар аёл (39,7%) ақлий меҳнат билан шуғулланганлар ва 78 нафари (16,0%) уй бекалари эди. Ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар орасида хизматчилар (104 нафар – 21,3%) ва талабалар (90 нафар – 18,4%) бор эди. Хизматчилар орасида: бухгалтерлар ва иқтисодчилар (50 нафар – 48,1%), мактаб ўқитувчилари (16 нафар – 15,4%), университет профессор ва илмий ходимлари (15–14,4 %), фирма раҳбарлари (9 нафар – 8,7%), тиббий ходимлар (7 нафар – 6,7%) ва ҳуқуқшунослар (7 нафар – 6,7%) бўлган. Жисмоний меҳнат билан боғлиқ касблар аксарияти қуйидагилар: ошпазлар (47 нафар – 9,6%), тикувчилар (41 нафар – 8,4%), сартарошлар (40 нафар – 8,2%), офитциант (26 нафар – 5,3%) ва бошқалар.

Иш хусусиятларини ҲОС шаклига боғлиқ ўрганишдан маълум бўлдики, касалликнинг энгил шакли аксарияти жисмоний меҳнат билан банд аёлларда (46,3% vs 37,3% ША 1,45; 95% ИИ 1,09-1,92; $P=0,01$), оғир шакли эса кўпроқ ақлий меҳнат билан банд аёлларда кузатилди (75,0% vs 16,7% ОШ 15,0; 95%ИИ 3,64-61,8; $P=0,0002$). Ўрта ҲОС билан оғриган аёллар гуруҳи ҳам жисмоний, ҳам ақлий меҳнат билан тенг равишда банд бўлишган (41,5% vs 43,1% ША 0,94; 95%ИИ 0,47-1,88; $P=0,99$).

ҲОС билан оғриган сўровдаги аёлларнинг оиласидаги психологик иқлим қониқарли деб 275 (56,6%) ҳолатда топилди. Касалликнинг шаклига кўра оилада микроиқлим таҳлил қилинганда, ўртача оғирлик (ША 0,29; 95% ИИ 0,17-0,52; $P<0,0001$) ва оғир шакли билан касалланган аёлларнинг (ША 0,19; 95%ИИ 0,07-0,51; $P<0,0001$) оиладаги вазиятдан мамнун бўлганлари сони кам эканлиги аниқланди.

Стресс индексини баҳолашда 229 нафар (46,8%) аёлда ҲОС кучсиз, 240 нафари (49,1%)да ўрта ва 20 нафари (4,1%)да юқори деб баҳоланди.

Энгил шаклли ҲОС билан оғриган беморларда стресс индекси кучсиз (52,5% vs 47,5% ША 1,22; 95%; ИИ 0,93-1,61; $P=0,18$) ва ўртача $12,8\pm 0,26$ баллни ташкил этди. Ўрта оғирликдаги ҲОС да эса стресс индекси кўпинча ўрта даражали бўлиб чиқди (66,2% vs 33,8% ША 3,82; 95% ИИ 1,85-7,90; $P=0,0005$), оғир шаклдаги ҲОС учун эса юқори стресс индекси хос эди (66,7% vs 33,3% ША 4,0; 95% ИИ 1,20-13,3; $P=0,04$).

Ўрта оғирликдаги ҲОСдаги стресс индекси $17,1\pm 0,41$ баллни кўрсатди ва бу касалликнинг энгил шаклига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди ($12,8\pm 0,26$ балл). ҲОСнинг оғир шаклида стресс индекси ўртача қиймати $22,4\pm 0,79$ баллни ташкил қилди ва бошқа ҲОС шаклларига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди.

Стресс индексининг таҳлили шуни кўрсатдики, энгил шаклдаги ҲОС билан оғриган аёллар ўртасида стресснинг кучсиз индекси ўрта шаклдаги (52,5% vs 21,5% ША 4,03; 95%; ИИ 2,16-7,51; $P<0,0001$) ва оғир шаклдаги ҲОС ташхисли аёлларга нисбатан ҳам кўпроқ учрайди (12,5% ША 7,74; 95%; ИИ 2,27-26,4; $P=0,0003$). Оғир шаклдаги ҲОС билан оғриган аёлларда асосан

стресс даражаси юқори эканлиги кузатилди (66,7% vs 12,3% ША 14,3; 95%; ИИ 4,62-43,9; $P < 0,0001$).

Тадқиқотда, шунингдек, ТВИ ҲОС шаклига боғлиқ равишда ўрганилди. Шундай қилиб, касалликнинг энгил шакли мавжуд аёллар орасида ТВИ нормал беморлар аҳамиятли кўп эканлиги маълум бўлди (77,8% vs 22,2% ША 12,2; 95%; ИИ 8,75-17,0; $P < 0,0001$), ўртача ТВИ $23,0 \pm 0,14$ кг/м²ни ташкил этди.

Ўрта ($23,9 \pm 0,52$ дегани) ва оғир ($25,9 \pm 0,76$) даражадаги ҲОС билан оғриган беморларнинг когортасида ишончсиз, лекин кўпроқ ТВИси $\geq 18,5 \leq 25$ бўлганлар учради. Ўрта оғирликдаги ҲОС билан оғриган аёлларда ТВИнинг ўрта қиймати энгил кечадиган ҲОС билан оғриганларга нисбатан аҳамиятли юқори бўлди.

Тадқиқотнинг навбатдаги босқичида ҲОС ташхиси қўйилган, туғиш ёшидаги РИИАТЭМ маслаҳат поликлиникасига мурожаат қилган 146 нафар аёл клиник текширишдан ўтказилди. Беморларнинг ўртача ёши $28,8 \pm 5,97$ йил (Ме 29,0; 24,0; 34,0). ТВИ 18,6 дан 30 кг/м гача ўзгариб, ўрта ҳисобда $24,0 \pm 2,80$ кг/м² ни ташкил этди. Қон босими норматив ўлчовлар доирасида эканлиги кузатилди.

Ёш кўрсаткичлари, БМИ, қон босими, ҲЦ контрол гуруҳ кўрсаткичларига монанд бўлиб, аҳамиятли фарқлар бўлмаган.

ҲОС билан оғриган аёлларда гормонал текшириш натижаларига кўра, МЦнинг фолликуляр фазасида (ФФ) эстрадиол $271,2 \pm 60,4$ пмол/л бўлиб, у назорат гуруҳи кўрсаткичларидан фарқ қилмайди ($p = 0,51$), аммо лутеал фазасида (ЛФ), - $542,5 \pm 145,1$ пмол /л бўлиб, назорат кўрсаткичларидан сезиларли даражада юқори ($p < 0,0001$). Қон зардоби прогестерон профили ФФда концентратсияси /л $2,58 \pm 1,31$ нмол/л ($p = 0,95$) ва ЛФ - $38,9 \pm 5,76$ нмол /л ($p = 0,37$) ва назорат гуруҳи индекслари фарқ қилмади (1-жадвал).

ҲЦ нинг 21–23 кундаги эстрадиол прогестеронга нисбатининг (Э/П) қиймати назорат гуруҳига нисбатан ҲОС гуруҳда юқорироқ ($p < 0,0001$). Бу ҲЦнинг ЛФсида сариқ таначанинг функцияси нисбий етишмовчилиги фонида нисбий гиперэстрогениядан далолат беради.

Тадқиқотда, шунингдек, ҲОС оғирлиги даражасига қараб, Э/П нисбати ўсиши аниқланди. Шундай қилиб, бу кўрсаткич назорат гуруҳи беморларида $10,2 \pm 2,86$; энгил шаклда $11,8 \pm 2,83$ ($p = 0,02$); ўрта оғирликда $15,1 \pm 3,96$ ($p < 0,0001$); ва оғир шаклида $19,5 \pm 4,15$ ($p < 0,0001$) бўлди. Бундан эса диагностика мақсадида фойдаланиш мумкин.

Эстрадиол миқдори ($r = 0,71$; $p < 0,05$) ва Э/П нисбати ($r = 0,63$; $p < 0,05$) ҲОС оғирлиги даражаси билан боғлиқ бўлган, минимал қийматлари энгил даражасида кўрилган ва максимал қийматлари энг оғир кечишида аниқланди. Прогестерон ва тестостеронга келсак, бундай ҳолатлар топилмади.

ҲОС ташхисли аёлларда тиреотроп гормони даражаси норма чегарасида бўлиб, ҲОС оғирлигига қараб ҳеч қандай корреляцион ўзгаришлар кузатилмади. Шундай қилиб, ТТГ миқдорини ўрганиш ҲОСда қалқонсимон функциянинг сақланганлиги ва беморлар эутиреоид ҳолатда эканлигини кўрсатди.

Соғлом аёлларда ҳам ҳайз олди босқичида алдостерон секрецияси норманинг юқори чегарасига яқинлашади. Изланишлардан маълум бўлдики, ҲОСнинг ўрта оғирлик даражасида альдостерон миқдори назорат гуруҳи ва бошқа шаклларга нисбатан ҲЦ фолликуляр босқичида энг юқори бўлган. Бироқ, циклининг лутеал фазасида максимал қийматлар ҲОС оғир шакли бўлган беморларда топилган. Бу балки ЛФсидаги нисбий гиперэстрогенемиа алдостерон секрециясининг ошишини рағбатлантиради, деган тахмин қилинди.

1-жадвал

ҲОС ташхисли аёлларда жинсий гормонлар миқдорининг ҲЦ босқичига ва касаллик оғирлигига боғлиқ ўзгариши (маълумотлар Ме; IQR шаклида тақдим этилган)

| Кўрсаткичлар | назорат, n = 67 | ҲОС шакли | | |
|-----------------------------|-----------------------|------------------------|-------------------------|--------------------------|
| | | енгил, n = 66 | ўрта оғирлик, n = 43 | оғир, n = 20 |
| МЦ фолликуляр фазаси | | | | |
| Эстрадиол, пмоль/л | 278,3; 230,0-327,5 | 275,7; 243,2-289,3 | 278,2; 191,0-313,3 | 287,0; 275,7-298,6 |
| Прогестерон, нмоль/л | 2,14; 1,65-2,83 | 2,35; 1,79-2,97 | 1,85; 1,34-3,42 | 2,24; 1,50-3,21 |
| Э/П | 127,9; 99,3-180,4 | 110,4; 79,6-154,1 | 120,5; 71,5-206,2 | 129,1; 85,6-184,3 |
| МЦ лютеин фазаси | | | | |
| Эстрадиол, пмоль/л | 361,8; 322,7-401,6 | 483,6; 372,3-513,1* | 597,2; 556,8-667,1*● | 740,9; 657,2-866,7*●# |
| Прогестерон, нмоль/л | 36,3; 34,1-41,1 | 38,4; 35,1-41,8 | 40,1; 37,0-42,6 | 38,4; 33,5-42,8 |
| Э/П | 9,73; 8,10-11,3 | 11,5; 9,99-13,9* | 15,0; 13,1-17,2* | 19,7; 17,0-21,5* |

Эслатма: * – <0,0001 назорат гуруҳи билан солиштиригандagi ишончлилиқ; ● – <0,0001 енгил даражага нисбатан ишончлилиқ; # – <0,0001 ҲОС ўртача даражасига нисбатан ишончлилиқ.

Ўз навбатида бу реакция электролитлар ва сув баланси ўзгаришларига сабаб бўлади ва ҲОС ташхисли аёлларда шиш ва вазн ошиши сифатида клиник намоён бўлади.

Кундалик сийдикда дофамин миқдори ва ҲОС оғирлик даражаси билан ҲЦ фазаси ўртасидаги муносабатларни ўрганиш кўрсатдики, ФФ да дофамин миқдори енгил кечадиган касалликда $318,1 \pm 96,2$ мкг/кун ($p = 0,78$)ни, ЛФ да эса $316,2 \pm 86,2$ мкг/кун ($p = 0,93$)ни ташкил қилди ва статистик сезилар фарқларга эга эмас ($324,0 \pm 78,0$ ва $318,0 \pm 90,2$ мкг/кун ҲЦ фазаларига боғлиқ равишда).

Шунга ўхшаш вазият ўрта оғирликдаги ҲОСда бўлиб, ФФ - $302,9 \pm 76,9$ мкг/кун ($p = 0,28$), ЛФ - $293,6 \pm 37,3$ мкг/кун ($p = 0,13$) бўлди. Минимал қийматлар оғир шакли ҲОСда аниқланган. Шундай қилиб, ФФ да қиймат – $270,1 \pm 56,0$ мкг/кун ($p=0,01$) ва ЛФда – $248,4 \pm 52,7$ мкг/кун, ($p=0,005$) бўлиб, ҲОСнинг назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан солиштирилганда сезиларли даражада фарқ қилади.

Бу дофамин миқдори энгил шаклдаги ҲОСга нисбатан паст, оғир шаклида ахамиятли паст эканини кўрсатади (ФФ – $p=0,04$; ЛФ – $p=0,001$). Дофамин миқдорини касалликнинг ўрта шаклида текширилганда у фақат ЛФ фазада ахамиятли фарқ қилди ($p < 0.0001$).

Шундай қилиб, ҲЦ лутеин босқичида жараённинг оғирлашиши билан бирга сийдикда дофамин ажралиб чиқишининг пасайишини кўриш мумкин.

Аллопрегнанонон (АЛП) , иммунрегулятор (IL-6) ва яллиғланишга қарши (TNF α) цитокинлар даражасини ўрганиб, таҳлил қилиш ҲОС билан оғриган аёлларда фолликуляр босқичида ўзгаришлар касалликнинг оғирлик даражасига боғлиқ эмас эканини ва назорат гуруҳидан фарқланмамлигини кўрсатди (2-жадвал).

2-жадвал

Аллопрегнанонон ва цитокинлар миқдорининг ҲОС касаллиги оғирлик даражасига ва ҲЦ босқичига боғлиқлиги

| Кўрсаткичлар | назорат, n = 20 | ҲОС шакли | | |
|----------------------|-----------------|---------------|----------------------|--------------|
| | | енгил, n = 26 | ўрта оғирлик, n = 26 | оғир, n = 24 |
| ҲЦ фолликуляр фазаси | | | | |
| АЛП, ng/ml | 3,74±1,27 | 3,65±1,56 | 3,70±1,53 | 3,68±1,65 |
| IL-6, pg/ml | 18,6±3,70 | 19,1±4,54 | 18,8±6,42 | 18,9±4,71 |
| TNF α , pg/ml | 21,8±7,81 | 22,9±7,33 | 22,3±7,23 | 21,7±4,88 |
| ҲЦ лутеин фазаси | | | | |
| АЛП, ng/ml | 3,63±1,49 | 3,55±1,71* | 2,53±1,38* | 1,74±0,43* |
| IL-6, pg/ml | 19,5±8,17 | 27,7±8,08* | 28,3±6,60* | 32,5±7,05* |
| TNF α , pg/ml | 22,7±6,52 | 28,3±8,47* | 30,4±7,91* | 33,2±6,55* |

Эслатма: * – назорат гуруҳига нисбатан ишончли қийматлар ($p < 0,05$).

Лутеал босқичида АЛПнинг миқдори фолликуляр босқичи ва назорат гуруҳи билан солиштирилганда статистик камайиши кузатилган. ҲОСнинг оғир шакли билан касалланган аёлларда АЛП фақат назорат гуруҳига нисбатан эмас, балки ҲОСнинг энгил шаклларида нисбатан ҳам паст эди. Цитокинларнинг миқдорига келсак, биз фолликуляр босқичида назорат қийматларига нисбатан IL-6и TNF α ларнинг кўпайишини кузатдик. Бунда ҲОСнинг оғир даражасида цитокинлар миқдори юқори бўлди.

Олинган натижалар таҳлили ҲЦнинг ЛФсида умумий холестерин (УХ) миқдорининг ошиши ва бундай ўзгариш назорат гуруҳи ва ҲОСнинг ФФ гуруҳларига нисбатан сезиларли, $p < 0,05$ эканлигини кўрсатди.

Қон триглитсеридлар (ТГ) миқдорининг тебранишлари аналогик бўлиб, назорат ва ФФга нисбатан ЛФда статистик сезиларли юқори бўлган.

Тадқиқотда, ҲЦнинг босқичидан қатъи назар, аёллар қонида ПЗЛП сезиларли даражада ўзгаришини кузатмадик. ҲОСда ҲЦ фолликуляр фазасида назорат қийматларга қараганда ошиши кўрилди. ҲОСда, ЛФда ПЗЛП ФФдаги қийматларга нисбатан ахамиятли юқори бўлди.

Инсулин даражаси назорат гуруҳи ва ҲОС ташхисли беморларда ҳайз цикли босқичига қараб фарқ қилди. Бироқ ҲОС ташхисли беморларда ҲЦнинг ЛФсида инсулин ФФ босқичга нисбатан анча юқори эди. Қондаги

глюкоза концентрацияси сезиларли ўзгаришга дучор бўлмайди, лекин НОМА индекси таҳлил қилинганда ХЦнинг ЛФсида унинг ўсиши кузатилиб, ўтқинчи инсулин резистентлик бу даврда ривожланишидан далолат беради.

Корреляцион таҳлил асосида ҲОС оғирлик даражаси билан эстрадиол ($r=0,71$; $p<0,05$), Э/П нисбати ($r=0,63$; $p<0,05$) ва аллопрегнанолон ($r=-0,59$; $p<0,05$) миқдорлари ўртасида боғлиқлик топилди. Бунда минимал қийматлар энгил оғирликдаги ҲОСда ва максимал қийматлар оғир кечишида кўрилди. Прогестерон ва тестостеронга келсак, бундай алоқадорлик топилмади. Бундан ташқари, мусбат корреляция эстрадиол ва альдостерон ($r=0,49$; $p=0,0001$), инсулин ($r=0,33$; $p=0,03$), НОМА ($r=0,29$; $p=0,002$) ўртасида топилди. Дофамин ($r=-0,56$; $p=0,004$) ва аллопрегнанолон билан ҲОС оғирлик даражалари ўртасида тесқари корреляция ($r=-0,37$; $p=0,0002$) кўрилди.

Шунингдек, тўғри корреляцион боғ альдостерон ва инсулин ($r=0,31$; $p=0,008$), дофамин ва аллопрегнанолон ($r=0,30$; $p=0,004$), шунингдек, альдостерон ва аллопрегнанолон ўртасида ($r=-0,34$; $p=0,007$), дофамин ва инсулин ($r=-0,34$; $p=0,03$) ва НОМА ($r=-0,29$; $p=0,01$) ўртасида тесқари муносабат кўрилди (1- расм).


Замонавий тиббиётда бугунги кунда касалликлар хавфини комплекс равишда баҳолаш ва прогнозлашга эътибор берилаяпти. Математик моделлаштириш ёрдамида турли омиллар орасида ҳар бир омил касаллик ривожланишига қандай ҳисса қўшишини аниқлаш мумкин ёки патологик аҳволнинг триггер сабаби бўлиши мумкин омилни топса бўлади.

Тадқиқотнинг бу босқичининг мақсади ҳайз олди синдроми ривожланишига сабаб бўладиган хавф омилларининг интеграциялашган баҳолашини ўтказиш, шунингдек, профилактика чора-тадбирлари, даволаш ва ҲОС билан касалланган аёлларни кузатиш тактикасини белгилаш учун юқори хавф гуруҳлари шаклланишини башоратловчи матрицани ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Прогностик матрица маълумотларига асосланиб, RR қиймати маълумотлари асосида биз омилларнинг ранг жойи ва этиологик улушини (etiological fraction – EF) аниқлашга уриндик.

Оғирлик индекси ва этиологик улуши юқори қийматли ҲОСнинг энг муҳим хавф омиллари (деярли тўлиқ шартланганлик) стресс ($RR=8,85$; $EF=88,7\%$) ва ТВИ >25 кг/м² ($RR=8,47$; $EF=88,19\%$) бўлиб чиқди. RR ва EF ни аниқлашдан кўриндики, даярли тўлиқ шартловчи омилларга ёшнинг 30 дан ортиқ бўлиши ($RR=6,08$; $EF=83,55\%$) ва эстрадиол миқдори >75 перцентил ($>474,1$ нг/мл; $RR=5,63$; $EF=82,22\%$) бўлиши аниқланди.

Кейинги блок – касалликни жуда юқори шартловчи омиллар гуруҳини қуйидагилар ташкил қилади: эстрадиол/прогестероннинг нисбати >75 перцентил ($>12,3$; $RR=4,38$; $EF=77,15\%$), аллопрегнанолон миқдори <25 перцентил ($<2,5$ нг/мл; $RR=4,22$; $EF=76,32\%$), ҲОСга ирсий мойиллик ($RR=3,34$; $EF=70,06\%$), анамнезида кўп туғруқ (5 ва ундан зиёд) ($RR=3,25$; $EF=69,22\%$), жинсий қониқмаслик ($RR=3,09$; $EF=67,60\%$) ва инсулин миқдори >75 перцентили ($>14,56$ МЕКД/мл; $RR=3,06$; $EF=67,32\%$).



1-расм. Гормонларнинг корреляцион ўзаро боғлиқлиги.

